


Нишонбой Ҳусанов

ШАЙХ СУЛАЙМОН  
БУХОРИЙНИНГ  
ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ



“МАДАНИЯТ ҚАРВОН САРОЙИ” ХАЛҚАРО МАРКАЗИ

**Нишонбой Хусанов**

**Шайх Сулаймон Бухорийнинг  
ҳаёти ва ижодий мероси**

**БОБОҚУЛ ЮЛДАШЕВ** ҳомийлигида нашр  
қилинди

Тошкент – 2009  
«SAN”AT» журнали нашриёти

## Қоракўлдан чиққан нур

Қоракўл воҳаси мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин тутган қадимий масканлардан биридир. Тарихга Замонбобо маданияти номи остида кирган илк инсоний маданият излари, Наршахий Бухородан ҳам қадимийроқ деб таърифлаган Пойкент номининг ўзи бу фикримизнинг асосидир. Шу кичик заминда тугилиб ўстан ва олис юртларда ҳам ўз тафаккури ва заковати билан Дуне олимларининг эътирофига сазовор бўлган Муҳаммад ибн Салом Пойкандий, Яҳё ибн Жаъфар Пойкандий, Али ибн Ҳусайн ибн Осим Пойкандий (IX—X асрлар) каби фикршунос муҳандислар, мавлоно Қоракўлий, мавлоно Ҳисоми Қоракўлий каби шоирлар (XV—XVI асрлар), Байкандий (XI аср), Султон Ҳусайн Қоракўлий (XVI аср) сингари саркардаларнинг номлари турли тарихий манбаларда учрайди.

Шайх Сулаймон ибн Қудратуллоҳ Бухорий—Қоракўлий ҳам халқимиз, юртимиз номини улуғлаган, ҳаммамиз фахрланишга муносиб инсондир. Филология фанлари доктори, Тошкент молия институтининг кафедра мудири Нишонбой Ҳусанов Шайх Сулаймон Бухорий номини халқимизга кенг танишга бел боғлаган экан бу ҳаракат минг таҳсинга сазовордир.

Шу китобни тайёрлаш жараёнида камина ҳам қўшимча манбаларга мурожаат этдим. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Шайх Сулаймон Туркиянинг XIX аср охиридаги сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. Туркия Султони Абдулҳамид унинг маслаҳатларидан фойдаланган. Султон номидан Европа давлатлари билан музокаралар олиб боришда қатнашган.

Биз юқорида номлари тилга олинган бу муборак инсонларни Қоракўлдан чиққан нур деб аташни

истардик. Зеро, уларнинг ижодий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотмасдан келмоқда. Уларнинг меросини кенг тадқиқ қилиш ва халқимизга етказиш савоб иш деб ўйлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, бу ишга астойдил бош қўшиб, ҳомийлик асосида Ушбу китобни нашр эттираётган қоракўллик саховатпеша инсон, «Мўйначи Қоракўл» фермер хўжалиги раҳбари Бобоқул Йўлдошевга, ўз қимматли маслаҳатларини аямаган журналистлар Беҳбуд Жумаев ва Пўлат Аҳмедовларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Айни вақтда қилинаётган бу саъй – ҳаракатларда 20 – аср бошларидаги жадиждаримизнинг маърифат – парварлик фаолиятлари билан ўхшашликни кўрамиз ва умид қиламизки шундай олийжаноб инсонлар бўлса, бу ҳаракатлар асло тўхтаб қолмайди. Ва албатта, бу атоқли инсонларнинг ижоди ва ҳаёти ҳақидаги рисола ва китобларни яқин келажақда кенг китобхонлар оммасига тухфа қилинишига ишонамиз.

Садулла Файбуллаев  
«Маданият карвон саройи»  
халқаро марказининг лойиҳа  
мувофиқлаштирувчиси

«San'at» журнали бош муҳаррири Нодир Норматов

## КИРИШ

Маълумки мустақилликдан сўнг адабий меросимизни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайди. Ўзбек тилининг фидоий тарғиботчиси, таниқли луғатшунос олим, ажойиб сайёҳ, мумтоз адабиётимизнинг толмас ношири, таниқли дипломат, истеъдодли шоир бўлган Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини ёритиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек тилида баъзи ишлар қилинган бўлсада (1,2), унинг ижодий мероси чуқур ва атрофлича ўрганилмаган. Сулаймон Бухорийнинг ҳаётлик давридаёқ “Луғати чигатойи ва турки усмоний” машҳур бўлиб кетган эди. Ўзбек тилига оид кўпгина сўзларнинг тарихини аниқлашда, этимологиясини очиб беришда у муҳим манба ҳисобланган. Чунончи “Шўро” журнаlining 1912-1916 йилги сонларида луғат материаллари кенг жой олган. Кейинги авлодларга етиб келмай, унутиб юборилаётган сўзларни абадийлаштириш мақсадида журналда луғатдан мисоллар берилган. Йигирманчи асрда бу луғат янада чуқурроқ ўрганила бошлади. Таниқли туркийшунос олимлар ундан илмий ва амалий манба сифатида кенг фойдаландилар. Жумладан, академик В.В. Радлов ўзининг “Опыт словаря тюркских наречий” номли машҳур луғатини яратишда “Луғати чигатойи ва турки усмоний”га муҳим манба сифатида қаради. Шу луғатдаги 1500 дан ортиқроқ сўзнинг бевосита Сулаймон Бухорийнинг луғатидан олинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Профессор Амир Нажиб “Историка – сравнительный словарь тюркских языков XIV века” номли китобида “Луғати чигатойи ва турки усмоний”дан 500 га яқин мисол киритган. Туркий тилларнинг қомуси ҳисобланмиш “Девони луғотит турк”ни нашрга тайёрлашда Солиҳ Мутталибов “Луғати чигатойи ва турки усмоний” материалларидан ҳам фойдаланилган. Таниқли тилшунос олимлар Эргаш Фозилов, Шамсиддин Шукуров,

Қаюм Каримов ва бошқалар илмий ишларида луғат материалларига мурожаат қилишган. Собиржон Иброҳимов ва Порсо Шамсиевлар “Навой асарлари луғати”ни яратишда бу ноёб луғатдан кенг фойдаланишган эди. 1982-1985 йилларда чоп этилган 4 жиддли “Навой асарлари тилининг изоҳли луғати”да ҳам “Луғати чигатойи ва турки усмоний”дан фойдаланилган.

“Луғати чигатойи ва турки усмоний” илмий ва лексикографик ишлар учунгина манба бўлиб қолмайди, балки ундан мумтоз шоирларнинг асарларини чоп этишда, фольклор материалларини тўплашда ва нашр қилишда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Зеро унутилиб бораётган юзлаб туркий сўзларни тўплашда, ўзбек халқ қўшиқларини, мақолларини ва топишмоқларини тиклашда ҳам луғат муҳим аҳамиятга эга.

## ***Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти***

Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти чуқур ўрганилмаган. Мавжуд илмий, тарихий ва бадий асарлардаги маълумотларни ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди. Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаётини ўрганишда татар олими Шаҳобиддин охунд Маржонийнинг кундалиги муҳим аҳамиятга эга, чунки у 1881 йилда Шарққа сафарга чиққанида Сулаймон Бухорий билан учрашган эди. Маржонийнинг сафар таассуротлари битилган хотира дафтарини кейинчалик ўғли Ризоуддин ибн Фахриддин чоп эттирган. “Рихлатул Маржоний” деб номланган ушбу китобда шундай маълумотлар бор: “Шайх Сулаймон Қудратуллоҳ Қундузийнинг ўғлидир. У Қоракўл вилоятининг Қундуз қишлоғидандир. Онаси тарафидан Убайдуллоҳ эшон Қоракўлий ва Яҳё эшон Туркмоний билан қариндошлиги бор” (3).

Турк олими Муҳаммад Фуод Купрулизода “Миллий татабуълар мажмуаси” номли китобида Сулаймон Бухорий 1821 йили туғилган деб кўрсатади (4). Демак, Сулаймон Бухорий 1821 йили Бухоронинг Қоракўл вилоятидаги Қундуз қишлоғида туғилган. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам у ёшлигидан савод чиқаради, Бухоро мадрасаларида таълим олади ва адабиётга ҳавас кўяди. У Шарқ классиклари Навоий, Лутфий, Мунис, Огаҳий ва бошқаларнинг асарларини севиб мутолаа қилади, бунинг натижасида адабиётга бўлган қизиқиши янада орта боради. У ҳатто “Нақший” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Осиё халқларининг ҳаёти ва маданиятини ўрганишга бўлган интимилиш Сулаймон Бухорийни саёҳатга ундайди.

*Ҳам сафаротла саёҳат қилдим,  
Ҳинду Сарҳинди зиёрат қилдим.  
Ганд дарёсидин ҳам этдим абур,  
Дехлию Аграда кездим баҳузур.*

Сулаймон Бухорий ўз саёҳати давомида Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларни бориб кўради, халқларнинг урф-одатлари ва маданий бойликлари билан яқиндан танишади.

Олим кейинчалик битган “Луғати чигатоийи ва турки усмоний” асари муқаддимасида:

*Туркманнинг ҳолин бир-бир билдим,  
Жинсу миқдорини дафтар қилдим,*  
деб ёзишига қараганда, у саёҳат давомида Осиёда яшовчи айрим халқларнинг оғзаки ижодиётини, уруғ номларини ва шеваларини ҳам ёзиб олган.

1847 йили Сулаймон Бухорий саёҳатдан қайтади ва Бухоро амири Насуриллохон (1827-1860) билан учрашади. Амир уни Истамбулдаги “Ўзбеклар такаси”га (муҳожир ўзбеклар уюшмасига) раис ва амирликнинг Истамбулдаги шеҳбандери (элчиси) қилиб тайинлайди. Сулаймон Бухорий

шу йили Истамбулга келганини Купрулизода ҳам тасдиқлайди: “у 1847 йили турк пойтахтига келди ва ўзбеклар такясининг раиси ҳамда Ўрта Осиёнинг элчиси сифатида иш бошлади” (4).

Сулаймон Бухорий олим ва шоир бўлгани учун ҳам Истамбулда тезда танилади. Шунинг учун уни бир неча илмий жамиятларга аъзо қилиб олишади. Бу ҳақда луғат муқаддимасида шундай хабар бор:

*Мунда баъзи ера аъзо бўлдум,  
Фахрий хизматлар ҳамно ўлдум.*

У Истамбулдаги Ўрта Осиё туркий қабилаларининг “Муҳожирин” номли илмий жамиятига аъзо қилиб сайланади. Сулаймон Бухорий жамиятнинг ишларида фаол қатнашганлиги ва билимдон киши бўлганлиги учун ҳам тез орада бу илмий жамиятнинг бошлиғи даражасига кўтарилади.

Орада бир неча йил ўтгач, тахминан 1875 йилларда Венгриянинг Сакден шаҳрида туркийшуносларнинг халқаро анжумани чақирилади. “Муҳожирин” илмий жамияти ва чиғатой туркийлари (ўзбеклари) номидан бу анжуманга Сулаймон Бухорий номзоди кўрсатилади.

*Бир саёҳат чиқди яна бошимга,  
Ёлвориб қўймадилар хоҳшима.  
Миллатинг номина кетгин дедилар,  
Можара тез юру етгин дедилар.*

Сулаймон Бухорий жамиятнинг бир неча вакиллари билан Можаристонга боради. Уларни можор халқи жуда илиқ ва яхши кутиб олади. Анжуман аҳли Сулаймон Бухорий чиғатой туркийларидан эканлигини билгандан сўнг унга кўплаб саволлар беришади. Улар чиғатой (эски ўзбек) тилига ниҳоятда қизиқиб қолишади ва Сулаймон Бухорийдан чиғатойча-туркча луғат тузиб беришни илтимос қилишади.



*Осиёдан келишим англадилар,  
Чигатой билдигим тингладилар.  
Кўп гап урмоққа талошлашдилар,  
Бу лугат узра кенгашдилар.*

Сулаймон Бухорий анжуманда бир қанча туркийшунос олимлар билан танишади ва улар ўзаро алоқада бўлиб туришига келишадилар. Анжумандан қайтгандан сўнг у чигатой тили ва адабиётига оид материалларни тўплай бошлайди.

Можор ҳамкасбаларининг илтимосига биноан ҳамда чигатой тили лексик бойлиги ва грамматик хусусиятларига кўра бошқа тиллардан қолишмаслигини кўрсатиш мақсадида у юқорида тилга олинган лугатни тузишга киришади. Асар “Луғати чигатойи ва турки усмоний” номи билан 1881 йилда Истамбулдаги “Меҳрон” матбаасида нашр қилинади.

Луғатнинг чоп этилиши муҳим воқеа бўлганлигини ва чигатой тилининг сўз бойлиги ҳақида маълумот берувчи ажойиб асар яратилганлигини Муҳаммад Купрулузода ҳам “Миллий татабуллар мажмуаси”да (224) алоҳида таъкидлаган. “Луғати чигатойи ва турки усмоний”нинг чоп этилиши нафақат Шарқда, балки Ғарбда-Оврупода ҳам катта қизиқиш уйғотади. Можор олими Иғнонос Қунуш бу луғатни топиш ва Сулаймон Бухорий билан учрашиш мақсадида 1881 йилда Истамбулга келади. Таниқли Можор туркийшунос олими Иғнонос Қунуш ўзининг “Турк халқ адабиёти” китобида шундай ёзади: “Бирор соат ўтгандан сўнг шайхни кўрмакка руҳсат беришди. Меҳмонхонанинг пардали эшиги очилиб, ичкарига кирдим. Ёғоч каравотда ўтирган ва қўлида тасбех, бошига оқ салла ўраган қарияга кўзим тушди. Бу киши Шайх Сулаймон Бухорий эди..... Хурматли жаноб, бу китобингиз чоп этилганидан хабарим бор, аммо Пешт кутубхонларида бу китоб топилмайди. Менинг бу сўзларимдан сўнг Шайх китобни келтирди: Шайх Сулаймон Бухорий. “Луғати чигатойи ва турки усмоний. Истамбул, 1298. Муҳтарам

Шайхнинг кўлидан китобни олганимдан сўнг у билан куюк хайрлашдим” (5).

“Луғати чигатойи ва турки усмоний”нинг Оврупода кенг танилишига ва тарқалишига можор олими Иғнос Кунуш катта ҳисса кўшади. У бу китобни немис тилига таржима қилади ва бу луғат 1902 йилда Будапештда нашр қилинади: (6).

Шайх Сулаймон Бухорийнинг қачон вафот этганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ, аммо ҳижрий 1298 йилда Иғнос Кунушнинг у билан учрашгани, татар олими Шахобиддин Охун Маржонийнинг шаввол ойининг 3-санасида у билан суҳбат қурганига қараганда ҳижрий 1298 йилда Сулаймон Бухорий ҳаёт бўлган. Ҳижрий 1299 йилда Истамбулда Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”и чоп этилади ва унда “Бу асар биринчи марта Муҳожирин жамиятининг раиси марҳум Сулаймон афанди томонидан нашр этилмоқда” (7) дейилишига қараганда Сулаймон Бухорий ҳижрий 1299 йилда вафот этган.

### ***“Луғати чигатойи ва турки усмоний” китобининг тузилиши***

“Луғати чигатойи ва турки усмоний” китоби 340 саҳифадан иборат. Унинг 1-7 бетларидаги муқаддимада муаллиф луғатнинг ёзилиш сабаби, тузилиши, манбалари ва бундан кўзда тутилган мақсад ҳақида фикр юритган. Китобнинг 8-11- бетларида муаллифнинг автобиографик шеърӣ асари “Манзумаи чигатой” берилган. “Манзумаи чигатой”да муаллиф ўзининг таржимаи ҳоли, фаолияти ҳамда луғат ҳақидаги фикрларини баён этган. 15-20- бетлардан луғатнинг грамматик маълумоти – “Қавоид” ўрин олган. Унда чигатой тилининг грамматик хусусиятлари, унинг бошқа туркий тилларига ўхшаш ва фарқли томонлари кўрсатилган. Жумладан, ўғиз тиллари ва лаҳжаларининг ўзига хос



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/5624> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/5624> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5624>